Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 28 май, № 102 (5776) Сешанба

Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси Иван Симонович раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.

БМТ БОШ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига асосланган миллий ҳуқуқий тизим яратилгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги конвенция, шартнома ва битимларга қўшилган ҳамда бу борада ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ўтган мулоқотда меҳмонларга мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизими, ички ишлар идоралари томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида маълумот берилди.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг 2010 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифининг мантиқий давоми бўлган ушбу ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишишдан иборат, — деди Иван Симонович. — Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистонда ички ишлар органлари учун ходимларни тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Бу борада Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиш, жумладан, соҳада турли лойиҳаларни амалга ошириш тарафдоримиз.

Шу куни делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судида ҳам бўлиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича яратилган миллий институтлар тизими, соҳадаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида фикр алмашди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Олий суди раиси Янг Син Тэ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишлар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судидаги учрашувда алоҳида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш учун соҳа мутахассислари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида мутахассислар алмашинуви йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

Технологик янгиланиш ва экспорт салоҳияти

ислоҳот

Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилгани, айниқса, хорижий сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилгани туфайли қўшма корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Уларда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар эса фақат ички бозоримизни тўлдирибгина қолмасдан, балки чет мамлакатларга ҳам экспорт қилинаётир.

Самарқанд туманининг Қумтепа маҳалласида 2011 йилнинг май ойида ишга туширилган “Азия-Карпет текстиль” қўшма корхонаси — шулардан бири. Дастлаб бу ерда гилам ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, 21 киши иш билан таъминланган эди. Ўтган қисқа давр ичида тайёр маҳсулотларга харидорлар топилиши билан бирга, ишчилар сони 45 нафарга етди. Бундан ташқари, 2011 йилда корхона гиламлари фақат республикамиз ҳудудида сотилган бўлса, бултур экспортга ҳам чиқарилди.

2012 йилда, шунингдек, корхонага қўшимча бир миллиард сўмлик инвестиция киритилиб, хориждан янги технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб уч баравар ошди. Аниқроқ қилиб айтганда, 476 минг 886 квадрат метр (2 миллиард 432 миллион сўмлик) маҳсулот тайёрланиб, шундан 200 минг долларлик гиламлар четга сотилди.

(Давоми 2-бетда).

Интерактив хизматлар кўламини кенгайтириш — давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг навбатдаги назорат-таҳлили якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Тадбирда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” ДАК тизимларидаги ижроси муҳокама қилинди. Унда қуйи палата депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, давлат қўмиталари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, мутахассис-экспертлар қатнашди. Йиғилишда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” ДАК раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда барча жабҳаларга АКТни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, у замон талаблари асосида такомиллаштириб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида баён этилган асосий вазифаларнинг изчил ижроси бу борадаги тараққиётни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз. Жумладан, уларда давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни тезлаштириш, бошқарув жараёнлари, бизнес тармоқлари ва фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш, ахборот тизимларининг идоралараро ҳамда идоравий комплексларини бирлаштирадиган Миллий тизим яратиш зарурлигига алоҳида урғу берилган эди.

Албатта, мазкур вазифаларни ҳаётга самарали татбиқ этишда соҳага оид ҳуқуқий механизмлар рўёби салмоқли роль ўйнайди. Чунончи, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив хизматлар кўрсатувчи “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” ДАК фаолиятида “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун нормаларининг сўзсиз ижроси долзарб ҳисобланади.

Бинобарин, қўмита ишчи гуруҳи ушбу тузилмалар томонидан Қонунга риоя этилишини ўрганди. Унга мувофиқ, Давлат қўмитаси ва компания тизимларида илғор ахборот ҳамда компьютер технологияларини кенг жорий қилиш, ахборот ресурсларини ривожлантириш, интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилгани маълум бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ёш мутахассислар республика форуми ўтказилди.

Ёшлар форуми

Анжуманда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т. Норбоева ва бошқалар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилган кенг қамровли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти инсон омилига қаратилганлигини алоҳида таъкидладилар. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳам қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини муҳофазалаш, илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни таъкидлаш ўринлидир.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда “Sen yolg‘iz emassan” республика жамоат фонди ташаббуси билан Меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун “Касб танлаш” кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.

Беқиёс ғамхўрлик ифодаси

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

“Ҳар бир бола меҳр ва эътиборда!” шиори остида бўлиб ўтган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларининг битирувчилари, касб-ҳунар коллежлари жамоалари қатнашди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани, хусусан, Меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, истеъдодларни рағбатлантириш, ҳунар эгаллаши борасидаги хайрли тадбирлар самараси ҳақида алоҳида тўхталдилар. Тадбирда коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган ижодий ишлар, ҳунармандлик буюмлари ҳам намойиш этилиб, коллежлар фаолияти тақдимотлари ўтказилди.

— “Sen yolg‘iz emassan” республика жамоат фонди ташкил этган ушбу тадбир ўзимни қизиқтирган коллеж ҳақида яқиндан танишишимга имкон яратди, — дейди 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Гулмира Рўзиева. — Бир неча йиллардан буён “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказида каштачилик, шунингдек, миллий либослар тикишни ўрганаяпман. Бугун коллежлар фаолияти билан танишиш жараёнида мактабни тамомлаб, Республика дизайн коллежида ўқишга қарор қилдим. Мақсадим — ушбу соҳани мукаммал эгаллаб, ўзим яратган либослар билан дунё подиумларига чиқиш.

(Давоми 2-бетда).

Беғубор орзулар, эзгу мақсадлар

Инсон борки, фарзандининг истиқболи ҳақида ўйлайди, эртаси нурафшон, ҳаёти сермазмун, келажаги порлоқ бўлишини орзу қилади. Шу боис бугун мамлакатимизда навқирон авлоднинг бахту иқболи, ёруғ истиқболи учун Президентимиз раҳнамолигида барча шарт-шароит, кенг имкониятлар яратилмоқда.

ШИЖОАТ

Эътироф этиш жоиз, юртимизда юқори малака ва етук билимга эга кадрлар тайёрлаш тизими тубдан янгиланди, ислоҳ этилди. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ўқитиш сифати ва савиясини юксалтириши баробарида, баркамол авлоднинг етук ҳамда салоҳиятли бўлиб вояга етишида мустаҳкам пойдеворга айланди.

Навбатдаги ўқув йили якунланиши муносабати билан 25 май куни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардаги таълим масканларида бўлиб ўтган “Хайр, мактаб, салом, коллеж!” шиори остидаги “Сўнгги қўнғироқ” тадбирларида ҳам шу ўзгаришлар самараси алоҳида эътироф этилди. Жумладан, пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 147-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда ҳам эрта тонгдан ўқувчилар, отаоналар, маҳалла фаоллари, устозлар, таълим фидойилари ва маънавият тарғиботчилари жамулжам бўлишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимизда тили, дини ва миллатидан қатъи назар, шу юртда истиқомат қилаётган одамларнинг онгу шуури тубдан ўзгариб, уларнинг қалбида шу азиз Ватан меники, унинг бугунги ва эртанги куни учун мен масъулман, деган дахлдорлик туйғуси тобора кучайиб бораётганлиги ва бунда таълим муассасалари, хусусан, мактабларнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлашди.

(Давоми 4-бетда).

ФАРМОН ВА ИЖРО

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга барча шарт-шароит яратилган. Республика Хотин-қизлар қўмитасининг бу борада олиб бораётган саъй-ҳаракатлари опа-сингилларимизнинг орзу-истакларини рўёбга чиқармоқда.

Юксак ишонч ва масъулият

хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни давр руҳига мос ташкил этишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Дарҳақиқат, ўтган даврда юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик янада юқори босқичга кўтарилди. Ўз навбатида, улар маҳаллалар, оилалардаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини оқилалик билан ҳал этиш, фарзандларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажармоқдалар. Айниқса, уларнинг кучли ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этишга қўшаётган ҳиссаси диққатга сазовор.

Бу ҳақда жорий йилнинг бошларида бўлиб ўтган катта форум — Республика Хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида батафсил тўхталиб ўтилган, айниқса, оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларда хотин-қизларнинг беқиёс хизмати борлиги таъкидланган эди.

— Ўзбек аёли — меҳрибон уй бекаси, ғамхўр она, фарзандлар тарбиясига масъул, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнининг фаол иштирокчиси, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Озода Парпибоева. — Уларнинг ҳар бири табиий истеъдод, юксак иқтидор билан ушбу вазифаларни бекаму кўст, биргаликда олиб бораётгани айни муддао. Албатта, Республика Хотин-қизлар қўмитаси энг йирик жамоат ташкилоти сифатида хотин-қизлар манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётимиздаги нуфузини оширишга жиддий масъулият билан ёндашмоқда. Мисол учун, ҳозир жойларда азалий миллий қадриятларимиз асосида оилалар тинчлиги ва тотувлигини асрашга қаратилган бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар олиб борилаётир. Бу борадаги ишларимиз кўламини янада кенгайтиришимиз мақсадга мувофиқ. Негаки, хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчилик, эрта никоҳ, она ва бола ногиронлиги ҳамда бошқа шу каби салбий ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларининг таҳлилида аёлларимизнинг ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини таъминлашда айрим сусткашликларга йўл қўйилаётгани аён бўлмоқда. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, айниқса, ҳар бир аёлни, уй бекасини ўзи билан ўзи овора бўлиб қолишига йўл қўймаслик, уларни жамиятимиздаги жараёнларга жалб этиш, фаоллигини ошириш асосий вазифаларимиздандир.

— Жорий йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши ва шу асосда Давлат дастурининг қабул қилиниши халқимизнинг хотин-қизлар, айниқса, оналарга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган эзгу мақсадларни амалга оширишда яна бир муҳим қадам бўлди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Нилуфар Таджибоева. — Дастурда аёлларнинг оила ва жамиятда тутган роли ва ижтимоий мақомини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида олиб бораётган фаолиятини кучайтириш, иш билан таъминлаш ҳамда хотин-қизларнинг уй меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган устувор вазифалар алоҳида белгиланган. Бу, ўз навбатида, бугун Ўзбекистон аёллари юксак эътибор ва ғамхўрлик билан қамраб олинганини кўрсатади. Бу нафақат чексиз ифтихор, балки биз, хотин-қизларга билдирилган катта ишонч ҳамдир.

Шунингдек, аҳоли саломатлиги, айниқса, хотин-қизлар соғлиғини асраш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида соғлом оилани ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, Андижон вилоятининг Асака, Андижон ва Балиқчи туманларида аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш бўйича учрашувлар, Қашқадарё вилоятида фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги ўтказилди. Сирдарё вилоятида эса қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, никоҳ ва саломатлик мавзуларига бағишланган вилоят хотин-қизлар қўмитасининг "Оила" маркази, адлия, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар уюштирилди. Шубҳасиз, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган бу каби ишлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, қўмита ташаббуси билан пойтахтимизда ташкил қилинган марказлар ёшларнинг ўз саломатлигига эътибор ва масъулиятини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш оила фаровонлигини янада оширишда муҳим ўрин тутади. Қўмита томонидан жойларда, айниқса, чекка туманларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича соҳа мутахассислари томонидан ўтказилаётган иқтисодий ўқувлар жабҳа ривожида беқиёс аҳамият касб этаётир.

— Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда кредит беришни қўллаб-қувватлаш, аҳолига, хусусан, ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга кредитлар ажратиш, аввало, уларнинг ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маруфова. — Хусусан, қўмита томонидан жорий йилда тижорат банклари аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун кредитлар ажратиш бўйича прогноз параметрлари ишлаб чиқди. "Меҳр нури" жамғармасининг "Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар" лойиҳаси доирасида 2013 йил бошида Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Термиз, Навоий, Андижон, Наманган, Фарғона ва Нукус шаҳарларида семинарлар ўтказилиб, унда бўлажак тадбиркорлар, шу жумладан, аёллар учун ўз бизнес-режаларини шакллантириш ва кредитларни жалб этиш кўникмаларини такомиллаштириш юзасидан зарур маслаҳатлар берилди. Шунингдек, қўмита жойларда ҳамкорлар билан бирга "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳасини амалга оширмоқда. Мазкур лойиҳа қишлоқларда яшаётган аёллардан гуруҳлар тузган ҳолда уларга ўзаро кафиллик остида имтиёзли кредит маблағларини ажратиш ва шу орқали қишлоқ аёлларининг фаоллигини ошириш, оилаларидаги иқтисодий фаровонликка қўшаётган ҳиссасининг ортишига кўмаклашишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Мухтасар айтганда, бугун ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янги, янада юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, уларнинг самарали фаолияти мамлакатимизни янада демократлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Зиёда АШУРОВА.

Технологик янгиланиш ва экспорт салоҳияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Корхонамизда ишчи-хизматчилар учун етарли шароит яратилган, — дейди бош ҳисобчи Хайрулло Умаров. — Хусусан, иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, жамоага махсус автобус ажратилган. Бундай қулайликларга жавобан Шарқия Хайриева, Ситора Суннатова, Дилшода Маматниёзова, Шаҳноза Шарипова сингари тўқувчиларимиз фидокорона меҳнат қилиб, бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Ҳозирги кунда корхона қувватини янада ошириш устида иш олиб борилаяпти. Режага кўра, йил охиригача хориждан янги ускуналар келтирилиб, 300 минг квадрат метргача гилам ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, ишчилар сони эса 10 нафарга кўпайтирилади.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корея Республикаси Олий суди раиси Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

— Ташриф асносида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш ва адолатни қарор топтириш борасида изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг юксак самаралари билан танишиш имконига эга бўлдик, — деди Янг Син Тэ. — Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, истиқболда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мунтазам тажриба алмашиб туришдан манфаатдормиз.

Музокарада икки мамлакат суд идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашишни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Корея Республикаси Олий суди раиси раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида ҳам музокаралар ўтказди.

Корея Республикаси Олий суди делегацияси Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

Беқиёс ғамхўрлик ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Дарсдан бўш вақтларимда "Баркамол авлод" марказида тикувчилик, каштадўзлик сирларини ўрганиб келаман, — суҳбатга қўшилади 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Насиба Зайниддинова. — Бир неча бор ижодий ишларимиз билан кўргазмаларда ҳам иштирок этдик. Бугунги касб танлаш тадбири туфайли эса аниқ бир қарорга келдим: келажакда ҳамшира бўламан.

Ўзига хос байрам тусини олган ушбу тадбирда пойтахтимизда жойлашган ўттиздан зиёд касб-ҳунар коллежлари қатнашиб, ушбу ўқув даргоҳлари, у ердаги ўқув ва амалиёт жараёнлари акс эттирилган видеолавҳалар ҳам намойиш қилинди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокидаги байрам дастури кечага ўзгача файз киритди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Интерактив хизматлар кўламини кенгайтириш — давр талаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ишлаб чиқилаётган "Электрон ҳукумат" давлат интерактив хизматларининг ягона платформасига мос равишда бир қатор ахборот тизимлари ва ресурслари яратилгани бунинг тасдиғидир. Ҳозир интернет тармоғида "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ва "Ўзбекэнерго" ДАКнинг расмий веб-сайтлари ишга туширилиб, зарур маълумотлар билан тўлдириб борилаяпти. Ўз навбатида, электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Айни пайтда давлат қўмитаси тизимида кўчмас мулкни ҳисобга олиш ва мулкка бўлган ҳуқуқни қайд этиш мақсадида ахборот тизимларининг дастурий комплекси ҳамда расмий интерактив хизматлар(кадастр ва рўйхатга олиш)нинг дастлабки версиялари ишга туширилган.

"Ўзбекэнерго" ДАКда бу борада амалга оширилган муҳим лойиҳалардан бири — электр энергиясидан фойдаланувчиларни автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олиш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича идоравий биллинг ахборот тизими ("Электрҳисоб" дастурий комплекси) жорий этилганидир. Бу "онлайн" технологияси ёрдамида электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишга доир ахборотни реал вақт режимида тезкор олиш, электрон тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Йиғилишда "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонун ва бошқа тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ижросида "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ва "Ўзбекэнерго" ДАКда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги айтиб ўтилди. Унда ахборот ресурсларини инвентаризация қилиш бўйича ишларни мақбуллаштириш, фойдаланиладиган ахборот тизимларидаги техник воситаларни сертификатлаштириш, электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш ҳисобига қоғоз сарфини қисқартириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, интерактив хизматлар сифатини ошириш ва кўламини кенгайтиришга қаратилган бир қатор тавсиялар берилди.

Муҳокамаларда кўриб чиқилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Саиджон МАХСУМОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаб корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўлаш, бир марталик тўлов бериш, ёш оилалар ва мутахассисларга банклардан имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашилмоқда. Яъни бугун касаба уюшмалари олий ва ўрта

Ёшлар форуми

махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашга, касб-ҳунар коллежлари амалиётчи ўқувчилари ва ишга янги жойлашган битирувчиларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатмоқда, ёш олимларнинг инновацион ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Биргина ўтган йили олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 2736 нафар талаба учун корхоналар томонидан 4 миллиард 735 миллион сўм шартнома пуллари тўлаб берилди. Тармоқ корхоналарига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 42 минг нафарга яқин фарзандлари ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминланди. 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар фарзандлари тарбияси билан машғул бўлган 9831 нафар ёш онага 2 миллиард 206 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Форум иштирокчилари меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка жалб этишда берилаётган имтиёз ҳамда кафолатлар билан атрофлича таништирилди.

Икки кун давом этган тадбир доирасида иштирокчилар ёш олимларнинг инновацион ишланмалари бўйича ўтказилган тақдимот ва ушбу ишланмалар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Форум якунида қатнашчиларга сертификатлар топширилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА.

Биз ўтирган "Нексия" таранг тортилган тасмадек теп-текис йўл бўйлаб елиб борарди. Мамнун қиёфада машина бошқараётган ҳайдовчига қараб кўп йиллар илгари юз берган бир воқеа хаёлда жонланди. Ўшанда Деҳқонобод туманидаги Тоғайтемир деган қишлоққа, қадрдон дўстимизнинг никоҳ тўйига отланган эдик. Тошкентдан Қаршигача поездда етиб келдигу бу ёғига улов тополмай хийла овора бўлдик. Не бир киракашлар ҳам "Деҳқонобод" дейишимиз биланоқ бир сапчиб тушади, ҳатто, тузукроқ савдолашмай орқага тисарилади. Охири, кун пешиндан оққан бир пайтда, қаршилик бир ҳамсабоқни топиб, ўшанинг "Жигули"сида Деҳқонободга жўнадик.

ҚУЁШ ҚЎНГАН ҚИРЛАР

Кўп ўтмай, киракашлар не сабабдан бу ёқларга юришни истамаганликлари аён бўла бошлади. Йўллар тор, ўйдим-чуқур. Чор-атроф ҳувиллаган қир-адир, олис-олислардан яккамдуккам пасқам, лойсувоқ уйлар кўзга ташланади, холос. "Жигули"миз ғадир-будир муюлишда қалтис бир силкинган пайт таг қисмида нимадир қарсиллаб кетди. Бамисли суякларимиз чатнагандай ҳаммамиз баб-баравар ирраб юбордик. Дўстимиз машинани тўхтатиб, унинг тагига хавотир билан кўз ташлади: ғилдирак бўғинида қандайдир мослама синиб кетибди! Ҳаммамиз ташвишга тушиб қолдик. Энди нима қиламиз? Яқин-атрофда техник хизмат қўналғаси нари турсин, лоақал бирор кулба ҳам кўзга ташланмайди. Хуллас, ҳаммамиз чанг-гардга, қорамойга қоришиб машинани тузатишга киришдик. Бу орада ғира-шира қоронғилик ина бошлаган эди. Синган мослама ўрнига бир қулоч сим чатиб, ниҳоят, амалтақал тузатган бўлдик. Шу тарзда тўйхонага анча кечикиб бордик.

Мана, яна худди шу йўлдамиз. Лекин бугун манзаралар буткул ўзгача! Кенг-равон, сип-силлиқ йўл! Ҳар қадамда техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, ошхонаю дўконлар учрайди. Ахён-ахён бепоён қир-адирлар қўйнида қидирув-текширув ишлари олиб бораётган геологларнинг баланд темир қурилмалари кўзга ташланади.

Машина Деҳқонобод шаҳарчасига етар-етмас, қунботар томон бурилди. Тағин бири-бирига елка тутиб кетган қир-тепаликлар, кенг сайҳонликлар бўйлаб жўнадик. Кўп ўтмай, биз истаган манзил — Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи кўзга ташланди. Илк кўрганда, бу ерда йирик корхона эмас, сиҳатгоҳ жойлашган бўлса керак, деб ўйлайсиз. Чор-атроф ям-яшил, кўркам ва озода. Завод ишчилари томонидан барпо этилган йигирма гектарлик боғ барқ уриб кўзга ташланади.

— Калий ўғитидан аямай беришганга ўхшайди, — дея ҳазиллашади ҳамроҳларимиздан бири.

— Ҳадемай, бу боғлар осмонўпар бўлиб кетади, орасидан заводни тополмай излаб юрамиз, — деб кулди тағин кимдир.

Шундай шўхшанг суҳбатлар билан завод ҳудудига оёқ босдик. Маъмурий бинолар, ошхона, дам олиш хоналари, ишлаб чиқариш бўлмалари, барча-барчаси замонавий андозаларга мос тарзда қурилган. Ҳаммаёқда иш қайнайди.

Бундан уч йил аввал — ушбу корхона қизғин қурилаётган кунларда ҳам бу ерга келган эдик. Ўшанда муҳандислар, қурувчилар барпо этилаётган заводнинг келажаги, оламшумул режалар ҳақида тўлқинланиб, ҳаяжонланиб гапиришганди. Мана, фурсат етиб, ўша орзу-ниятлар рўёбга чиқаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи айни кунда тўла қувват билан фаолият юритиб, ойига икки минг тонна атрофида маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Унинг қарийб тўқсон беш фоизи экспорт қилинмоқда. Бу рақамлар мамлакатимиз валюта захирасига нечоғли аҳамиятли эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ, албатта.

— Одатда, янги қурилган ҳар қандай йирик корхона, энг қами, бешолти йиллан сўнгина сарф-харажатини қоплаб, қарз-ҳаволадан қутулиб, ўзини ўнглаб олади, — дейди биз билан суҳбатда Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи бош муҳандиси Рўзмат Ражабов. — Бизнинг корхона эса фаолиятининг илк давриданоқ иқтисодий самарадорликка эришиб келаяпти.

Мутахассиснинг бундай эътирофи қалбимизда ғурур туйғусини уйғотди. Завод ҳаёти билан танишарканмиз, ютуқларнинг асосий омили ишни оқилона ташкил этишда, Президентимизнинг кўрсатмаларига масъулият билан ёндашишда эканлигига яна бир карра амин бўлдик.

Катта авлод яхши эслайди: шўро даврида Ўзбекистонда бирор йирик завод ёхуд фабрика қурилгудек бўлса, уларда ишлаш учун, албатта, Марказдан мутахассислар жалб этилар эди. "Маҳаллий халқ фан-техника билан боғлиқ юмушларга ақли етмайди, пахтасини экиб, чорвасини боқиб юраверсин" қабилида имо-ишоралар қилишарди. Беназир истиқлол бундай камситишларга кескин барҳам берди. Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслигини, ҳеч кимдан кам бўлмаслигини бутун дунёга кўз-кўз этди. Юртбошимиз раҳнамолигида барпо этилган нене саноат корхоналарини ўз ақл-заковати билан юритаётган ўзбек фарзандлари бунинг якқол мисолидир. Жумладан, қаршимизда қўр тўккан Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида коржомалари ўзларига хўб ярашган, энг илғор технологиялар билан тиллашиб, замонавий дастгоҳларни моҳирона бошқараётган ўзбекнинг қора кўз, қора қош йигит-қизларини кўриб кўзимиз, кўнглимиз қувончга тўлди. Айни кунда бу ерда икки мингга яқин, аксарияти Деҳқонобод тупроғида унибўсган ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти. Улар орасида хорижда малака ошириб қайтган йигирма беш нафар касий қисми ёшлардир, — дейди ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Илҳом Жабборов. — Яқинда сафимизга шу йил коллежларни битирган етмиш нафар ука-сингилларимиз келиб қўшилди. Уларга имкон қадар ўз билим ва тажрибаларимизни ўргатаяпмиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида меҳнат қилаётган ҳар бир муҳандис, ҳар бир ишчи-хизматчи бу корхонани ўз ғурури, ўз ифтихори, деб билади, унинг шаъни, истиқболи учун қайғуради. Иш жараёнига уларнинг илмий-ижодий ёндашиши ҳам худди шу ҳолдан дарак бериб турибди. Айни кунда ёш мутахассислар чиқитларни қайта ишлаб, ош тузи, техник туз каби иккиламчи маҳсулотлар олиш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб боришаяпти. Бу, аввало, завод иш самарадорлигини янада оширади, янги иш ўринлари очилишини таъминлайди, қолаверса, атроф-муҳит мусаффолигида муҳим аҳамият касб этади.

— Жамоамиз аҳил ва иноқ, — дейди корхона бош муҳандиси ўринбосари Шамсиддин Холмуродов. — "Бу меники, у фалончининг участкаси", деган гап-сўзлар йўқ. Ишлаб чиқариш жараёнида бирор муаммо пайдо бўлса, уни ҳал қилиш учун ҳамма — муҳандис-мутахассислар ҳам бирдек ёндашади. Бирор бўлимда эътиборли янгилик, дейлик, иш услуби жорий этилса, уни ҳамма ўрганишга интилади.

Албатта, ҳамжиҳатликда, ўзаро ишончда ҳикмат кўп. Аслини олганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган жамики бунёдкорликлар замирида ҳам халқимизнинг жипслиги, муҳтарам Юртбошимиз дадил бошлаб бораётган буюк истиқболга ишонч ётибди. Малакали, иқтидорли муҳандис-мутахассисларнинг борлиги ҳам диққатга сазовордир. Қурилиши аллақачон бошлаб юборилган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи қисми ўз фаолиятини бошласа, яна икки минг нафар маҳаллий аҳоли вакили иш ўринлари билан таъминланади. Алҳол, экспорт ҳажми, даромад кўрсаткичи ҳам икки баробар ортади.

— Заводимиз ходимларининг асосий қисми ёшлардир, — дейди ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Илҳом Жабборов. — Яқинда сафимизга шу йил коллежларни битирган етмиш нафар ука-сингилларимиз келиб қўшилди. Уларга имкон қадар ўз билим ва тажрибаларимизни ўргатаяпмиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида меҳнат қилаётган ҳар бир муҳандис, ҳар бир ишчи-хизматчи бу корхонани ўз ғурури, ўз ифтихори, деб билади, унинг шаъни, истиқболи учун қайғуради. Иш жараёнига уларнинг илмий-ижодий ёндашиши ҳам худди шу ҳолдан дарак бериб турибди. Айни кунда ёш мутахассислар чиқитларни қайта ишлаб, ош тузи, техник туз каби иккиламчи маҳсулотлар олиш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб боришаяпти. Бу, аввало, завод иш самарадорлигини янада оширади, янги иш ўринлари очилишини таъминлайди, қолаверса, атроф-муҳит мусаффолигида муҳим аҳамият касб этади.

— Жамоамиз аҳил ва иноқ, — дейди корхона бош муҳандиси ўринбосари Шамсиддин Холмуродов. — "Бу меники, у фалончининг участкаси", деган гап-сўзлар йўқ. Ишлаб чиқариш жараёнида бирор муаммо пайдо бўлса, уни ҳал қилиш учун ҳамма — муҳандис-мутахассислар ҳам бирдек ёндашади. Бирор бўлимда эътиборли янгилик, дейлик, иш услуби жорий этилса, уни ҳамма ўрганишга интилади.

Албатта, ҳамжиҳатликда, ўзаро ишончда ҳикмат кўп. Аслини олганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган жамики бунёдкорликлар замирида ҳам халқимизнинг жипслиги, муҳтарам Юртбошимиз дадил бошлаб бораётган буюк истиқболга ишонч ётибди.

Қаранг, овлоқ адирлар қўйнида йирик бир корхона — Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи! Теваракда боғ-роғ, қатор-қатор замонавий уй-жойлар! Андак нарида баланд тоғлар томон узалиб кетган ўша мўъжизавий темир йўл! Атиги йигирма йил аввал ҳувиллаган, тап-тақир мана шу қир-тепаликлар бир кун келиб обод ва файзли гўшага айланади, бу ерда саноат корхоналари қурилади, десангиз, ким ҳам ишонарди?! Мана, Мустақиллик меваси ўлароқ, бугун афсоналар ҳақиқатга эврилиб турибди! Гап бунёдкорлик ҳақида бораркан, шу ўринда айни бир ҳақиқатни таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз. Юртимизда барпо этилаётган йўллар, саноат корхоналари, маиший-маданий иншоотлар, шунчаки, ўзимизни бировларга кўз-кўз қилиш, кимларнидир қойил қолдириш учун эмас, асло. Ҳамма-ҳаммаси инсон учун, инсоннинг саодати, фаровон ҳаёти, обод турмуши учундир! Бу эзгу тушунчалар Мустақилликнинг илк куниданоқ давлатимиз сиёсатининг негизини ташкил этди. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асарида ҳам ушбу фикрлар теран ифодаланган:

"...Барча ўзгаришлар ва янгиланишлар марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас".

Дарҳақиқат, шундай. Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи маъмуриятининг ижтимоий соҳада олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ҳам фикримиз тасдиғидир. Корхона томонидан ўтган йили барча шарт-шароитга эга қирқта намунали уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. Бу йил эса тағин бир юз олтмишта худди шундай янги лойиҳадаги уй-жойлар барпо этиб, деҳқонободликларни, энг аввало, ёш оилаларни хушнуд этиш режалаштирилган. Айни кунда бу борадаги ишлар қизғин олиб борилмоқда. Бундан ташқари, завод аҳли йўлсозлик, қурилиш-таъмирлаш каби туманнинг барча ободонлаштириш жабҳаларида ҳам фаол қатнашаяпти.

— Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамиша эътиборимизда, — дейди корхона касаба қўмитаси раиси Норсаид Кўчкинов. — Тумандаги бир неча мактаб ва болалар боғчалари заводимиз оталиғида бўлиб, уларни доим моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Тилга олиб ўтилган, турмуш ободлиги борасидаги саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ, албатта. Аслида корхона ишчи-хизматчиларининг обод кўнгли, озод руҳи кўпроқ эътирофга, таҳсин-тасаннога муносибдир. Улар кўнглининг ободлиги, руҳининг озодлиги Мустақилликнинг ўзи энг олий неъмат эканлигини, барча имкониятлар, барча фаровонликлар худди шу Истиқлол шарофатидан эканлигини англашдадир! Бу ерда меҳнат қилаётган юртдошлар юз-кўзидаги завқ-шавқ, мамнуният, дилларидаги, тилларидаги шукрона ана шу Англашдан, ана шу Икрордан дарак бериб турибди.

Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

Қаранг-а, бу ердаги оққўнгил, танти одамлар билан суҳбатлашиб, қизғин иш жараёнини кузатиб, ҳатто, вақт елиб ўтганини ҳам пайқамай қолибмиз. Ҳаяжонли ҳислар оғушида Деҳқонобод калийли ўғитлар заводидан қайтарканмиз, ногоҳ, ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлдик. Уфқ сари оққан қуёш гўё ботишни истамай, қирлар устига қўниб турарди! У кун бўйи кўкдан боқиб ҳам озод ва обод юртимиз жамолига тўймагандай эди!

Луқмон БЎРИХОН,
Ўроз ҲАЙДАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қатнов тикланди

Японияда узоқ муддатли танаффусдан сўнг “Dreamliner” русумидаги ҳаво лайнерлари қатнови яна йўлга қўйилди.

“Boeing-787 Dreamliner” самолётида дастлабки рейс Токио ва Саппоро шаҳарлари бўйлаб амалга оширилди.

Маълумки, ўтган йили мазкур русумдаги “пўлат қанот”ларда тўрт марта носозлик юзага келиб, улар фавқулодда қўндирилганди. Япония ҳукумати шундан сўнг “Boeing-787 Dreamliner” самолётлари қатновини вақтинча тўхтатган эди.

Сотувда эски компьютерлар

Ўтган асрнинг 70-йилларида “Apple” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ва ҳозир ҳам техник жиҳатдан соз бўлган компьютерларга коллекционерлар катта қизиқиш билдиришмоқда.

“The New York Times” нашрининг хабар беришича, куни кеча Германияда ташкил этилган кимошди савдосида мазкур техника воситасининг навбатдагиси рекорд нархда сотилди. Хусусан, “Apple 1” русумли компьютер 640 минг АҚШ долларига баҳоланган.

Ўтган йили уюштирилган аукционлардан бирида шу русумдаги компьютер 374 минг АҚШ долларига сотилган эди.

Кинофестиваль ғолиблари

Германияда ўтказилган 66-Канн кинофестивалининг ғолиб ва совриндорлари номи маълум бўлди.

Танловнинг бош мукофоти — “Олтин пальма яп-роғи” франциялик режиссёр Абдулатиф Кешиш томонидан суратга олинган “Аделнинг ҳаёти” номли фильмга берилди.

Америкалик ака-ука режиссёрлар Итан ва Жоэль Коэннинг “Дэвис Льюиснинг ички дунёси” фильми кинофорумнинг иккинчи даражали мукофоти бўлмиш Гран-при билан тақдирланди. “Ўтган” номли фильмдаги роли учун Беренис Бежо “Энг яхши актриса”, “Небраска” картинасидаги ижроси учун Брюс Дерн “Энг яхши актёр” деб топилди.

Рақс кечасидаги нохушлик

Берн шаҳри (Швейцария)да ўтказилган рақс кечаси нохушлик билан якунланди.

Бу ҳақда “Франс пресс” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ўн мингдан зиёд киши қатнашган мусиқий тадбирда айрим иштирокчилар ўзаро баҳслашиб кетишган. Натижада у катта жанжалга айланган. Тартибни сақлаш мақсадида воқеага полиция аралашган ва қоидабузарлардан 60 нафари қўлга олинган.

Йўлбарс ҳамласи

Буюк Британиянинг Камбрия графлигидаги ҳайвонот боғида бахтсиз ҳодиса рўй берди, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.

Гап шундаки, йўлбарс боғ ходимини ғажиб ташлаган. Жабрдийда жиддий жароҳат туфайли шифохонада ҳаётдан кўз юмди.

Маълумотларга кўра, ходим хавфсизлик тартиб-қоидаларига риоя этмаган. Шунингдек, у йўлбарснинг олдига кираётгани ҳақида ҳам ҳеч кимни огоҳлантирмаган.

Мазкур иш юзасидан полиция тергов бошлади.

Кекса спортчининг ғайрати

Мельбурн(Австралия)да спортнинг бодибилдинг тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида 83 ёшли қария ҳам қатнашди.

Рэй Мун исмли бу кекса спортчи умри давомида саратон касаллигини енгиб ўтган, юрак хасталигидан батамом соғайишга муваффақ бўлган. Унинг навбатдаги орзуси — дунё биринчилигида ғолибликни қўлга киритиш эди. Афсуски, отахон бу ниятига эриша олмади. Шундай бўлса-да, ташкилотчилар уни “Сайёрамизнинг энг кекса культуристи” деб эътироф этиб, махсус сертификат билан тақдирлади.

Техник носозлик оқибати

Мексиканинг Идальго штатида сайёҳларни олиб кетаётган автобус ҳалокатга учради.

“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлигининг хабарига кўра, бахтсиз ҳодиса оқибатида 13 киши ҳаётдан кўз юмган, йигирмадан зиёд йўловчи жароҳатланган. Қурбонлар орасида етти нафар аёл ва икки бола ҳам бор.

Полиция вакилларининг айтишича, автобус баллонларидан бирининг ёрилиб кетиши фожиага сабаб бўлган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ШАРҲ

Баҳор фаслининг охиридан токи ёзнинг ўртасига қадар АҚШда энг кўп торнадолар рўй берадиган мавсум ҳисобланади. Сўнгги кунларда Океанортида, жумладан, Техас, Оклахома, Канзас, Иллинойс ҳамда Айова штатларида рўй берган ўттиздан ортиқ мана шундай табиат инжиқликлари бу хулосаларни яна бир карра тасдиқлади. Афсуски, ўнлаб одамлар ҳаётдан кўз юмди, бир неча юз киши жабрланди, тураржой бинолари вайронага айланди, коммуникация тармоқлари ишдан чиқди. Мутахассисларнинг айтишича, бу галги тўфонлар, шубҳасиз, АҚШ тарихида энг жиддий зиён келтирган табиат ҳодисалари рўйхатидан жой олади.

Табиат синовлари ва инсон омили

Фавқулодда ҳолат дастлаб Техас штатида қайд этилган эди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, кучли бўрон бу ерда етти кишининг умрига зомин бўлди, қарийб юз киши жароҳатланди, 14 киши эса бедарак йўқолди. 80 дан ортиқ тураржой биноси яроқсиз аҳволга келиб қолди, кучли шамол автомобилларни, иншоотлар томини бир неча ўн метрга улоқтириб юборди, дарахтларни илдизи билан қўпориб ташлади. Булар четдан туриб айтишгагина осон. Асл воқеа гувоҳлари эса юз берган ҳодисани қаттиқ ҳис-ҳаяжон ва қўрқув билан таърифлашмоқда. Чунки ноқулай об-ҳаво шароити фақат шамол ёки қалин қуюндан иборат бўлгани йўқ. Масалан, Даллас штатидан 100 километр узоқликда жойлашган Грэнбери шаҳрида торнадо вақтида апельсин катталигида дўл ҳам ёғиб ўтди. Энди бу ёғини ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

АҚШнинг торнадодан энг кўп зарар кўрган штати Оклахома бўлди. Бор-йўғи 35 дақиқа давом этган тўфон йўлидаги барча нарсаларни худди гугурт қутиси каби супуриб кетди. Маълумотларга кўра, қуюн марказида шамолнинг тезлиги соатига 320 километрни ташкил қилган. Бу ерда 24 нафар одам ҳаётдан кўз юмди, уларнинг 10 нафари болалардир. Олти киши эса бедарак йўқолган, 350 киши жароҳатланган, 13 мингдан ортиқ уй талафот кўрган.

Қуюннинг асосий йўналиши 56 минг аҳоли истиқомат қиладиган Мур шаҳрига тўғри келди. Ҳудуддаги бошланғич синф ўқувчилари таҳсил оладиган иккита мактаб биноси вайрон бўлди, юздан зиёд уй бузилиб кетди, электр узатиш тармоқлари издан чиқди.

“Торнадо яқинлашаётганини кўрган заҳотимиз ертўлага тушиб олдик, — дейди Оклахома штатида истиқомат қилувчи фуқаро Рикки Стоув. — Ташқаридаги гумбурлаш тобора кучайиб борарди. Ҳеч қанча вақт ўтмай томсел ертўла эшиги илмоғини синдириб юборди. Шу заҳоти ичкарига ойна синиқлари, уй бўлаклари, турли жиҳозлар учиб кира бошлади. Очиғи, энди ҳаммаси тамом, умримизнинг охирига етиб келдик, деган фикрга ҳам боргандик. Хайриятки хавф ортда қолди”.

Воқеа иштирокчиларининг ҳаммаси турлича усулда жон сақлашга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Мур шаҳрида яшовчи бир аёлнинг таърифлашича, у торнадо вақтида болалари билан ванна ичига тушиб олган. Қарангки, шамол қизчасини кўтариб кетай деган. Аммо аёл боласининг сочларидан тутиб қолиб, уни зўрға қутқаришга муваффақ бўлган.

Бундай ҳикоялар жуда кўп. Оклахома штати маъмурияти аҳолини бундай хавф-хатарлар ҳақида олдиндан огоҳлантирган бўлса-да, айримлар уни инкор этиб, ғафлатда қолиб кетганликларини билдиришаяпти. Хуллас, ҳодиса анчайин оғир кечган.

Айни пайтда қидирув-қутқарув ишларига мамлакат миллий гвардияси вакиллари жалб этилган. Ушбу тадбирларга кўнгиллилар ҳам ёрдамлашишаяпти. Метеорологлар яқин орада яна янги торнадолар рўй бериши эҳтимолдан холи эмаслигини маълум қилишмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Оклахома штатида рўй берган қуюн иқтисодиётга икки миллиард доллардан зиёдроқ миқдорда зарар етказган.

Шу ўринда табиатнинг ушбу синовига оид айрим маълумотларни келтириб ўтсак. Торнадо катта тезликда, гирдоб шаклида ҳаракатланувчи шамол бўлиб, таркибида қум, ёмғир, дўл, булутлар уюмини ташийди ва йўлида учраган ҳар қандай нарсани ўз домига тортиб, бир неча метрларга улоқтириб юборади. Унинг ер юзасида судралиб юрадиган қисминнг диаметри одатда 300 — 400 метрга тенг бўлади. Таркибига қараб эса баъзан бу миқдор ўзгариши ҳам мумкин. Мисол учун, қуюннинг юқори қисмида сув миқдори кўплигида унинг пасти, бор-йўғи, 20-30 метрни, аксинча, қуруқ ҳолатда бўлганда эса 1,5 — 3 километр майдонни қамраб олиши кузатилган. Торнадолар, асосан, Шимолий Америкада, хусусан, АҚШнинг марказий штатлари ҳамда жанубида, Аргентина, Жанубий Африка, Австралиянинг ғарбий ва шарқий ҳудудларида, шунингдек, Пиреней яриморолидан ташқари Европанинг деярли барча давлатларида рўй беради. Айтайлик, биргина АҚШнинг ўзида йилига мингта яқин қуюн кўтарилади ва минг афсуски, бу ҳодисалар тахминан 60 кишининг умрига зомин бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тўфон мавсуми, асосан, май ойида авжига чиқиб, июнь ва ҳатто июлга қадар давом этади. Табиатнинг ушбу инжиқлигидан энг кўп зиён кўрадиган штат ҳам, қарангки, айнан Оклахома экан. Бу ерда йилига юздан ортиқ торнадо кузатилар экан.

АҚШ тарихида жуда катта зарар келтирган бир қанча торнадолар бўлган. Жумладан, 1925 йилнинг мартида учта штат — Миссури, Иллинойс ва Индианада рўй берган шундай табиат ҳодисаси 695 кишини ҳаётдан олиб кетган. 1974 йилнинг 3 ва 4 апрель кунлари эса мамлакатнинг 13 штатида бир йўла 147 та тўфон қайд этилган. Оқибатда 310 киши қурбон бўлган, беш ярим мингга яқин киши жабрланган. Ҳажми жиҳатидан энг катта қуюн 1971 йилнинг 9 июнида Техас штатида кузатилган бўлиб, унинг эни уч километрни ташкил қилган. 1999 йилда Оклахоманинг Мур шаҳрида эса энг юқори тезликда ҳаракатланган торнадо қайд этилган. Ўшанда унинг марказида шамолнинг тезлиги соатига 485 километрни ташкил қилган. Табиий офат келтирган зиён бир миллиард долларга баҳоланган.

Кўриб турганингиздек, торнадолар АҚШ аҳолиси бардошини тез-тез синовдан ўтказиб турувчи, кўп талафот келтирувчи табиий офат ҳисобланади. Шу боис ҳам илмий муассасалар, тадқиқотчилар уни чуқур ўрганиш, қуюн пайдо бўлишини анча барвақт аниқлаш устида йиллар давомида изланишлар олиб боришмоқда. Айни пайтда бундай турдаги хавф-хатарни нари борса 10-15 дақиқа аввал пайқаш имконияти мавжуд, холос. Бу вақт эса одамларнинг бехавотир жойга қочиб улгуриши учун жуда камлик қилади. Йўқотишларнинг асл сабабларидан бири ҳам шунда.

Океанортида тўфонлар “бош оғири” бўлиб турган кунларда Европага кутилмаган совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши ҳам барчанинг диққат-эътиборини тортди. Жумладан, Ғарбий Европада худди куз ойларида бўлгани каби термометр кўрсаткичи анча пастлаб кетди. Ҳатто, Франция, Испания ва Швейцариянинг тоғли ҳудудларида қалин қор ёғди. Бу ғайритабиий ҳодиса “баҳор манзарасидан, гуллар ифоридан баҳра оламиз” дея не-не умидлар, орзу-хаёллар билан ташриф буюрган сайёҳлар кайфиятини туширib юборди.

Париж, Лондон, Мадрид ва яна бир қанча пойтахт шаҳарларда сурункали ёмғир ёғиб, ҳаво ҳарорати пасайиб кетди. Истироҳат боғлари, музейлар ҳамда экскурсияларга борувчилар сафи камайган. Экспертларнинг фикрича, жорий йилнинг май ойида Германия ва Нидерландияда сўнгги 50 йилдаги энг паст ҳаво ҳарорати қайд этилибди. Бундай ҳолатдан, айниқса, маҳаллий фермерлар безовта...

Биз ҳар гал мана шундай воқеаларни кузатганда, халқимизнинг “Ўт балосидан, сув балосидан асрасин, дунёда тинчлик, хотиржамлик бўлсин”, деган эзгу ниятини ёдга оламиз. Жуда чуқур мазмунга эга бу тилак амалга ошса, қандай яхши, шундай эмасми? Ер юзида осойишталик бўлса, одам хотиржам яшайди, орзулари рўёбини кўради, ҳаётдан лаззатланиб, бахтдан баҳра олади. Бунинг учун эса инсон, аввало, ўзидан ортиб бошқаларга, хусусан, табиатга ҳам меҳр билан муносабатда бўлмоғи лозим. Зеро, меҳр кўрсатганга ҳеч қачон зулм қайтмайди.

Шавкат ОРТИҚОВ.

● Реклама ва эълонлар ●

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИГА ҚАБУЛ!

Ўзбекистонда касб-ҳунарга ўқитиш имкониятини ривожлантириш лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган Касб-ҳунарга ўқитиш марказига ўқувчилар қабул қилинади.

Марказда ўқиш (касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади: автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), машинасозлик ишлаб чиқариш (токарлар, фрезерчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), электр ва электроника (маиший техника, радио ва телеаппаратларни таъмирлайдиган мутахассислар), ахборот технологиялари (ҳисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар). Марказда касб-ҳунарга ўқиш муддати 10 ой, шундан марказда ўқиш — 6 ой, ишлаб чиқариш амалиёти — 4 ой.

Шунингдек, марказда юқорида қайд этилган мутахассисликлар бўйича шартнома асосида корхоналарнинг ишчи-ходимлари ҳамда Ўзбекистоннинг меҳнат бозорида талаб катта бўлган касблар бўйича иш излаётган шахслар пуллик асосда қисқа муддатда ўқитилади, қайта тайёрланади ва малакаси оширилади.

Касб-ҳунарга ўқитиш марказига ҳужжатлар ўқиш истагини билдирганларнинг ихтиёрий танловига мувофиқ, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Касб-ҳунарга ўқитиш марказининг битирувчиларига эгаллаган касби (мутахассислик) бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом (сертификат) тақдим этилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза, паспорт (асли ва нусхаси), касб-ҳунар коллежлари, лицей ва умумтаълим мактабининг 11-синфини битирганлик тўғрисида ҳужжат (аттестат), Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан берилган йўлланма, тиббий маълумотнома (086 форма), 35х45 мм. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат.

Ҳужжатлар 2013 йил 24 майдан 15 июнгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 даҳаси.
Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 251-19-03, 251-20-31.

GUVOHNOMA № 001537.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 2 июль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

● Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 кв.м., икки қаватли ва ертўла биноси бўлган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 674 653 602 сўм.

2013 йил 11 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

● Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 13 июлдаги 10-1114/13109-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси ва Эргашев кўчаси кесишмаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 311 кв.м., фойдаланиш майдони 273,4 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 32 633 600 сўм.

● Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек судининг 2012 йил 1 декабрдаги 1-550/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 6-мавзе, Г-36 Проектний кўчасида жойлашган ер участкаси.

Бошланғич баҳоси — 553 609 296 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Tsh 64-20438253-01: 2011

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ: **ООО «TAYFUN PLASTIK»**

ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные



Ф/О — безналичный расчет

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:

КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах

для производства полипропиленовых мешков,

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

Вниманию предприятий газо-, водо- и электроснабжения, других предприятий и частных лиц!

СП ООО «КрокусГазСервис»

предлагает со склада в Ташкенте

одноразовые номерные пломбы:

- пломбы-наклейки (размером 60 мм х 25 мм),
- пластиковые пломбы ПК-91РХ-3;

продукцию московского завода «Газдевайс»:

- ультразвуковые счетчики газа типа АГАТ G-16,
- водогрейные котлы «Extra».

Товары сертифицированы. Услуги лицензированы.

Контактные телефоны в Ташкенте: (8-371) 232-21-22, 236-32-66.

ЭЪТИРОФ

Яқинда Озарбайжонда чоп этиладиган нуфузли ижтимоий-сиёсий нашрлардан бири — “Эхо” газетасида журналист Оксана Буланованинг “Кўпгина халқларнинг бешиги ва қудратли салтанатлар маркази” сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди.

«Эхо» саҳифаларида Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари

Мақола муқаддимасида Ўзбекистон Ўрта Осиё мамлакатлари ичида энг мафтункор диёр ва сайёҳлар учун жозибали ўлка ҳисоблангани ҳолда, машхур меъморий ёдгорликлар хазинаси, афсонавий Буюк Ипак йўлининг марказларидан бири ҳамда буюк олим ва уламоларнинг ватани эканлиги қайд этилади.

Муаллиф юртимиз заминидаги Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг кўрку тароватн ҳамда мамлакатимизнинг бой тарихий-маданий, илмий ва диний мероси ҳақида ўқувчиларга маълумот берар экан, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига алоҳида тўхталади. “2750 йиллик тарихга эга ушбу қадимий гўзал шаҳарнинг қоқ марказида бутун дунёдан келган сайёҳларни ўзига мафтун этган маҳобатли мажмуа — Регистон майдони жойлашган”, деб ёзади у.

О. Буланова ўз мақоласида Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари улуғ бобокалонларимизнинг дунё тарихи, маданияти, санъати, адабиёти ва илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссасини алоҳида эътироф этади. “Самарқанд ўзининг беқиёс меъморий обидалари билан кишини лол қолдиради, — деб ёзади муаллиф. — Айнан шу заминда меъморчилик санъати нақадар юксак чўққига кўтарилгани ва иншоотлар бунёд этилишида мукаммал услуб ва технологиялардан фойдаланилганига гувоҳ бўласиз. Шаҳардаги барча ёдгорликлар деворларига такрорланмас безаклар туширилган, олтин суви юритилган нақшли ёзувлар эса ҳар қандай ҳуснихат ошуфтасини ўзига оҳанрабодек тортади.

Ўзбекистон замини бўйлаб саёҳати таассуротларини газетхонлар билан ўртоқлашишда давом этар экан, журналист Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Бухоро ҳақида қуйидагича ёзади: “Бухоро шаҳрида сақланиб қолган тарихий обидалар, карвонсаройлар, масжид ва мадрасалар, ҳовуз ва ҳаммомлар, қалъаю кўрғонларни санаб саноғига етолмайсиз. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан бири Сомонийлар мақбараси бўлиб, у минг йиллик тарихга эгадир. XII асрда бунёд этилган Минораи Калон эса ўша давр меъморчилиги қай даражада юксак тараққий этганидан далолат беради”.

Муаллифнинг ёзишича, Бухорога келган сайёҳларнинг аксарияти шаҳар бўйлаб пиёда сайр қилишни севишади. “Ана шунда бу шаҳарнинг ҳақиқий фусункорлигини тўла ҳис қилиш, унинг тарихи ва бугуни билан “юзлашиш” мумкин”. Лабиҳовуз ва унинг атрофида қад кўтарган меъморий мажмуа бўйлаб сайр эса, журналистнинг сўзларига қараганда, жазирама кунда кўп асрлик дарахтлар соясида ҳордиқ чиқариш, хушбўй ўзбек чойидан баҳраманд бўлиш ва бетакрор миллий таомлардан тановул қилиш учун қулай имкониятдир. “Меҳмондўст бухороликлар шаҳар заминидаги ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган ажойиб ёдгорликлар ҳақида сизга бажонидил сўзлаб берадилар”, деб ёзади у.

Ўтмиш ва бугун ўзаро уйғунлашиб кетган Тошкент шаҳрига тўхталар экан, озарбайжонлик журналист мазкур шаҳар доимо халқаро савдо-сотиқ йўллари кесишган нуқта ҳамда Ўрта Осиё маданиятининг маркази бўлиб келганини таъкидлайди. “Ҳозирги пайтда бу шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида Тошкент мутлақо янгича қиёфа касб этди. Шаҳардаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, метро, вокзал, аэропортлар, кўплаб кичик ва катта истироҳат боғлари пойтахтликлар ҳамда Тошкент меҳмонларининг кўзини қувонтирмоқда”.

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат тарихи, халқ анъаналари ва маданиятига нисбатан эътибор қаратаётгани ҳам мақолада алоҳида эътироф этилган. “Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва бошқа кўп сонли музейлар бу фикрнинг амалдаги исботи ҳисобланади”, деб ёзади О. Буланова.

Мақола якунида эса муаллиф ўқувчиларни Ўзбекистон бўйлаб саёҳат уюштириш ҳамда бу ўлканинг беқиёс гўзаллиги, бой тарихи, рангбаранг маданияти ва анъаналаридан баҳраманд бўлишга чорлайди.

«Жаҳон» АА.
Боку

Маданият хабарлари

Қўшкўпир туманида бахши-шоирлар ва оқинларнинг республика кўрик-фестивали вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Бахшилар куйлаганда

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу маърифий тадбирда вилоятда яшаб, ижод қилаётган бахши-шоирлар, оқинлар ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Қўшкўпирлик Каримбой бахши Отамуротов ҳамда ёш ижодкор Расулбек Абдураҳмонов танлов ғолиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўрин Гурлан, Шовот ва Хива туманидан келган бахшиларга насиб этди.

Гўзал РАҲМОНОВА.

Илҳом дунёси

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида “Илҳом дунёси” деб номланган кўчма кўргазма иш бошлади.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Бадиий ижодкорлар уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиз тасвирий санъати хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ноёб асарлар ҳамда замондош мусаввирларнинг ижодий ишлари ўрин олган. Жумладан, мамлакатимиз тасвирий санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ў. Тансиқбоев, П. Беньков, А. Абдуллаев, Р. Аҳмедов, Р. Чориев сингари рассомларнинг элликдан зиёд асарлари санъат мухлисларида катта таассурот қолдирмоқда.

Гавҳар САОДАТОВА.

Хаттотлик музейи

Бухоро давлат архитектура-санъат музей-қўриқхонасида “Бухоро хаттотлик санъати тарихи” музейининг экспозицияси очилди.

Ундан IX — XX аср хаттотлик намуналари ҳам ўрин олган. Айни пайтда музей фондида 5985 дона қадимий ёзув мавжуд бўлиб, улар қўлёзма, тошбосма ва босма китоблар, қитъа, муфрадот ҳамда бошқа ноёб ҳужжатлардан иборат.

Саодат УСМОНОВА.

Спорт ● Sport ● Спорт

Хабарингиз бор, шу йилнинг 29 июнь — 6 июль кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ёпиқ иншоотларда ҳамда жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Қуръа ташланди

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизматининг хабар қилишича, ана шу нуфузли мусобақанинг футзал бўйича кечадиган беллашувларига қуръа ташланди. Унга кўра, “G” гуруҳидан жой олган Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси чорак финал йўлланмаси учун Афғонистон ва Қатар терма жамоаларига қарши баҳс юритади. Айтиш жоизки, футзал мусобақалари Осиё ўйинлари очилишидан уч кун аввал бошланади. Шу боис вакилларимиз илк учрашувни 26 июнь куни Афғонистон, 28 июнь куни эса Қатар футзалчиларига қарши ўтказишади.

Футзал бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси “В” гуруҳида Япония, Индонезия ва Хитой терма жамоалари билан куч синашади.

Шавкат ЗОКИРЖОНОВ тайёрлади.

Ҳамюртимиз пешқадамлар сафида

Грециянинг Салоники шаҳрида ўтказилаётган ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқичида ҳамюртимиз, 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов муваффақиятли иштирок этмоқда.

Турнирнинг учинчи турида россиялик гроссмейстер Александр Морозевичга қарши оқ доналарда ўйнаган Рустам 41-юришдан сўнг дурангга эришди. Айтиш мумкинки, мазкур турда фақатгина битта ғалаба қайд этилди.

Шанба куни ўтказилган тўртинчи турда италиялик шахматчи Фабиано Каруанага қарши қора доналарни сурган Рустам Қосимжонов 76-юришдан сўнг дуранг таклиф қилди. Тажрибали рақибини енга олишига ишонмаган Ф. Каруана ҳам бунга рози бўлишни энг маъқул йўл деб топди. Қолган ўйинлар эса қуйидагича якунланди: Александр Гришчук — Этьен Бакро 1/2, Александр Морозевич — Хикару Накамура 1/2, Перес Домингес — Петр Свидлер 1:0, Веселин Топалов — Василий Иванчук 1:0, Гата Камский — Руслан Пономарёв 1/2.

Айни пайтда Гран-при турнирида бир хил — тўрт имкониятдан 2,5 очкодан жамғарган етти нафар шахматчи етакчилик қилмоқда. Қувонарлиси, уларнинг орасида юртдошимиз Рустам Қосимжонов ҳам бор. Шунингдек, Р. Пономарёв 2, П. Свидлер ҳамда Э. Бакро 1,5 тадан, Х. Накамура 1 очко йиғишга муваффақ бўлган. Украиналик яна бир гроссмейстер Василий Иванчук ҳисобида эса 0,5 очко мавжуд.

Рустам Қосимжонов кеча ўтказилган бешинчи турда кубалик шахматчи Перес Домингесга қарши оқ доналарда баҳс олиб борди.

Даврон ЖАВЛОНОВ тайёрлади.

Беғубор орзулар, эзгу мақсадлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 май куни қабул қилинган “2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарорида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг танланган иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника базаси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги белгиланди, — дейди мактаб директори Татьяна Иванова. — Биз ҳам ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, ўқувчиларимиз ва уларнинг ота-оналари билан ҳамкорликда 82 нафар битирувчимиз навбатдаги таълим босқичида таҳсилни давом эттиришини таъминлашга кўмаклашмоқдамиз. Бунинг учун ўқув йили бошиданоқ тайёргарлик бошланган. Ўқувчиларимиз пойтахтимизда бўлиб ўтган “Мутахассислик — сенинг келажагинг”, “Таълим ва карьера” мавзуларидаги кўргазмаларда, билим даргоҳларида ташкил этилган “Очиқ эшиклар куни” тадбирларида мунтазам иштирок этиб, ота-оналари ва устоз-мураббийлари билан маслаҳатлашган ҳолда ўзлари қизиққан йўналишни танлашди.

Маълумки, ўтган ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда мавжуд барча мактабларда турли ташкилот ва идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари фаолларидан иборат Васийлик кенгашлари иш бошлади. Натижада ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши, давомат даражаси яхшиланди, ўқитиш жараёнига янгича педагогик-психологик услубларни татбиқ этишга эришилди. Энг муҳими эса, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётгани ёшларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунарга йўналтириш ва уларнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий ўқув йилида мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг 9-синфини 533 минг 658 нафар ўқувчи тамомлади. Энди уларнинг 482 минг 427 нафари касб-ҳунар коллежларида, 51 минг 231 нафари эса академик лицейларда таҳсил олади.

“Хайр, мактаб, салом, коллеж!” шиори остида ўтказилган байрам тадбирида энг фаол ва аълочи ўқувчиларга етуклик шаҳодатномаси билан бирга фахрий ёрлиқлар ҳам топширилди. Шунингдек, Ватанимизни мадҳ этувчи, устозларга меҳру муҳаббат ва чуқур эҳтиром туйғуси тараннум қилинган шеърлар ўқилди, қуй-қўшиқлар ижро этилди. Битирувчилар меҳрибон мураббийларига гулдасталар тақдим қилдилар.

“Сўнгги қўнғироқ” тадбирлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

— Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Оролбўйида ҳам “Хайр, мактаб, салом, коллеж!” шиори остидаги тадбирлар юксак савияда ташкил этилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўлим мудири Мурод Асаматдинов. — Жорий ўқув йилида республикадаги мавжуд 739 та умумий ўрта таълим мактабини 26 минг нафардан зиёд ўқувчилар тамомлащди.

Андижон вилоятидаги “Сўнгги қўнғироқ” тадбирларида эса 47832 нафар битирувчи қатнашди. Умумтаълим мактабларида улар учун “Мутахассислик — сенинг келажагинг” деб номланган кўргазмалар ташкил этилди. Шунингдек, вилоят ҳамда республика миқёсидаги кўрик-танлов, фан ва спорт беллашувларида юқори кўрсаткичларга эришган иқтидорли ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

“Сўнгги қўнғироқ” тадбиридан сўнг ўқувчилар устозлари, ота-оналари ҳамроҳлигида ўзлари танлаган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлардаги шарт-шароит билан яқиндан танишиш мақсадида ушбу таълим масканларида бўлдилар.

Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 18 МАЙДАН 24 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2013 йил 23 апрелдаги 20-мҳ, 11-қҚ-сонли қарори.*

2013 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2077-1 (2013 йил 27 майдан кучга кирди).

2. «Жамоат фойдаланиш жойларида интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 16 майдаги 23-мҳ-сонли қарори.*

2013 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1393-2 (2013 йил 27 майдан кучга кирди).

3. «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот-ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 16 майдаги 24-мҳ-сонли қарори.*

2013 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1558-2 (2013 йил 27 майдан кучга кирди).

4. «Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан, интернет хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 16 майдаги 25-мҳ-сонли қарори.*

2013 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1417-1 (2013 йил 27 майдан кучга кирди).

(Давоми бор).

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«Қибрай»
клиник санаторийси
юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Сиҳатгоҳда сауна, сузиш ҳавзаси, фитобар, теннис корти, бильярд ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.
Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.
735АА/444

● Реклама ва эълонлар ●

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф қилади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 12 июнь куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Марғилон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Риштон тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-11-7/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳар «6-КМК» МЧЖга қарашли, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ, Саккокий кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 8265,18 кв.м., фойдаланиш майдони 7 233,74 кв.м. бўлган бино-иншоотлар мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 693 533 058 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 10 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулк ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2013 йил 28 июнь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 26 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим қилинган ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.
Телефонлар: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.
Лицензия: № RR-0017.
845Я/105

Газетанинг 2013 йил 23 май 99-сонида “Toshkent universal auktsion savdo” МЧЖ томонидан аукцион савдосига қўйилган, “Махам Chirchiq” ОАЖ балансидаги 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/671 RAA бўлган, “ГАЗ-31029” русумли автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 469 000 сўм ўрнига 4 469 000 сўм, деб ўқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси Давлат таълим стандартлари бўлими бош мутахассиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди **Абдуғаффор ХОЛМАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5